

**ҚИСҚА НАВБАТЛИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА
ТАКРОРИЙ ЭКИН КРОТАЛАРИЯНИНГ ЎСИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

Маҳмудов Ўткир Ҳайдарович

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали, Агробиология ва доривор ўсимликлар етиштириши кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д. (PhD)

E-mail mahmudov.utkir@bk.ru

Аннотация. *Ушбу мақолада кроталария (Crotalaria juncea) экинини такрорий экин сифатида етиштириши бўйича олинган илмий маълумотлар таҳлили келтирилган.*

Аннотация. *В данной статье представлен анализ научных данных о возделывании кроталеярии (Crotalaria juncea) как повторной культуры.*

Annotation. *This article presents an analysis of scientific data on the cultivation of crotalaria (Crotalaria juncea) as a repeated crop.*

Калим сўзлар *кроталеярия, тупроқ унумдорлиги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириши, типик бўз тупроқ, гўза, ҳосил, иқлим, шароит.*

Ключевые слова *кроталеярия, плодородие почвы, поддержание и повышение плодородия почвы, серозем типичный, хлопчатник, урожайность, климат, условия.*

Keywords *crotalaria, soil fertility, maintaining and improving soil fertility, typical sierozem, cotton, yield, climate, conditions.*

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ҳамда 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 1-бобида кўрсатилган «Тупроқ

унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш» бўйича кўрсатилган вазифалар бугунги кунда ушбу йуналишда амалга ошириладиган ишларни долзарблилигини белгилаб беради [1].

Материал ва тадқиқот услублари.

Ушбулардан келиб чиқган ҳолда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кроталария экинини парваришлаш агротехикасини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинди. Ушбулардан келиб чиқган ҳолда дала ва лаборатория тадқиқотлари, ўсимликлардаги биометрик ва фенологик кузатувлар ҳамда тупроқ таҳлиллари, «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1964, М.: Колос), «Методика проведения опытов с хлопчатником (1983, Ташкент), «Методы агрохимических анализов почв и растений» (1973, Ташкент), «Методы агрофизических исследований» (1973, Ташкент), «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» (ЎзПТИ, Тошкент, 2007) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилмоқда.

Crotalaria juncea қисқа кунлик бир йиллик бутасимон ўсимлик бўлиб, баландлиги одатда 1 дан 3,5 м гачани ташкил қилади. Пояси цилиндрсимон ва туклар билан қопланган, барглари пояда кетма-кет шаклида жойлашади. Илдиз тизими узун, ўсимлик ўз-ўзини чанглатади. Уруғлар майда қора жигаррангда яссиланган буйрак шаклида бўлиб 35% протеинни ўз ичига олади. Барглари муқобил ва оддий; гуллари икки жинсли, зигоморф бўлиб гул тожлари ёрқин сариқ рангда бўлади

Тупроқ унумдорлигини оширишда илдизида туганак бактериялар ҳосил қилиувчи дуккакли ўсимликларни экиш, тупроқ тааркибидаги озиқа маддаларнинг ошишига таъсир кўрсататди [2; 3; 4; 5].

***Алмашлаб экиш тизимларида такрорий экин кроталариянинг
ўсиши ва ривожланиши 2022 йил***

№ Вар	Алмашлаб экиш тизимлари	Униб чиқиш динамикаси, % ҳисобида (экилган кун 22.07)		Ўсимлик бўйи, см					
		25.07	26.07	1.08	15.08	1.09	15.09	1.10	15.10
9	1:2 (Кузги буғдой + кроталария)	58,2	92,3	12	28	58	105	162	175
10	1:2 (Кузги буғдой + кроталария + шабдор + берсим)	59,2	93,3	10	31	60	110	164	170
11	2:1 (Кузги буғдой + кроталария)	60,2	94,3	14	32	62	115	166	180
12	2:1 (Кузги буғдой + кроталария)	61,2	95,3	10	31	61	112	164	175

Олинган натижалар ва муҳокамаси. Тажрибанинг алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг экилган такрорий экин кроталариядан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда 9-10-11 ва 12-вариантларда ўсимлик уруғлари 22 июлда экилиб, униб чиқишгача бўлган кун 4 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Шунингдек, ўсимликда бир ойда икки марта фенологик кузатувлар олиб борилиб, бунда кроталарияни бўйи 01.08 санасида 10 см дан 14 см гача бўлганлиги, амал даври охирига келиб эса 170 см дан 180 см гачани ташкил қилганлиги аниқланди. Бунда ўсимлик экилган кундан вегетация охиригача бўлган кун 100 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Тажрибанинг юқоридаги вариантларига тегишли равишда кроталарияни кўчат қалинлиги вегетация бошида 330,1 минг/га дан 330,3 минг/га тагача, вегетация охирига келиб эса 320,1 минг/га дан 320,7 минг/га тагача бўлганлиги кузатилиб, вегетация бошига нисбатан вегетация

охирида 10 минг/га дан 9,6 минг/га тагача кам бўлганлиги кузатилиб, бунга сабаб сифатида ўтказилган агротехник тадбирлар таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтказилган агротехник тадбирларда юқорида келтириб ўтилган вариантларга тегишли равишда кроталариянинг кўк масса ҳосили 19,360 т/га ни ташкил этганлиги ҳамда қуруқ масса ҳосили эса 5,903 т/га ни ҳосил қилганлиги аниқланди.

Хулоса; ўрнида шуни айтиш керакки, Тошкент вилоятининг тупроқ иқлим шароитида кроталария ва шунга ўхшаш дуккакли экинларни такрорий экин сифатида экиш тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони 1-илоvasи, 1-бобининг 30-32 мақсади.
2. Халиков Б.М., Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари Тошкент-2016 й 33 б.
3. Б.М.Халиков., С.Т.Негматова. Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида оралиқ экинларнинг аҳамияти. Тошкент 2020 й 73-75 б
4. <https://www.researchgate.net.>, Traditional cultivation of sunnhemp (Crotalaria juncea) in
5. [https://www.researchgate.net .](https://www.researchgate.net.), (PDF) The potential of Crotalaria juncea L. as a summer green